

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА АКМЕОЛОГИК ПОЗИЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Шодиева Нодира Нормаматовна

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Бердиқурова Гулрухсор Нурабековна

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7004816>

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни акмеологик позитияларини шакиллантириб бориши, уларни ўқув жараёнидаги фаоллигини ошириши, ўз танлаган касбига нисбатан кучли ундовчи мотивлар ҳосил бўлиши хусусида сўз юритилган.

Калим сўзлар: акмеология, позития, баркамоллик чўққиси, интеллектуал салоҳият, мотив.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ АКМЕОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЗИЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

Аннотация. В статье рассматривается формирование акмеологических позиций будущих учителей в высших учебных заведениях, повышение их активности в учебном процессе, формирование сильных мотивационных мотивов к избранной профессии.

Ключевые слова: Акмеология, должност, вершина совершенства, интеллектуальный потенциал, мотив.

THEORETICAL AND PRACTICAL BASES OF FORMATION OF AKMEOLOGICAL POSITION IN FUTURE TEACHERS

Abstract. The article discusses the formation of acmeological positions of future teachers in higher education institutions, increasing their activity in the educational process, the formation of strong motivating motives for their chosen profession.

Keywords: acmeology, person, position, the pinnacle of perfection, intellectual potential, motif.

КИРИШ

Бизнинг вазифамиз-тўпланган тажриба ва илгор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат.

Шу борада яқин ва ўрта муддатда белгиланган мэрраларга эришиши учун қатият билан ҳаракат қилишимиз зарур.

Шавкат Мирзиёев

Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизатция қилиш, уни инноватион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва қреатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат шижаотли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифани ишониб топширмоқдамиз[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида таълим тизими соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ

натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этиш, мутлоқо янги профессионал таълим тизимини йўлга қўйилиши, ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31декабрдаги №1059-сон қарори: Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида Ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни маънавий ахлоқий тамоиллар асосида тарбиялаш, фаол фуқоролик позитцясини кучайтириш, келажакка ишонч ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга даҳлдорлик туйғусини кучайтириш ва бошқа кўпгина масаларни ҳал этиб борилиши белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган (янги таҳриридаги) Ўзбекистон Республикаси Таълим Тўғрисидаги Қонуннинг 5 боб 44-моддаси Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи бўлиб, унга кўра: Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Барчамизга маълумки олий таълим муассасаларининг бош мақсади-билимли, маънавий етук, интеллектуал салоҳияти, рақобатбардош, ташаббускор, ўз шахсий позитцясига эга кадрларни тайёрлашдан иборатdir. Зеро жамиятимизнинг тараққий этиши, юксалиши ўсиб келаётган ёш авлод вакилларининг салоҳияти ва иқтидорига боғлиқdir. Педагогика ўқув юртларида акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг креативлик қобилятларини ривожлантириб, ўқув фаолияти жараёнида касбга бўлган қизиқишини орттириб бориш асосида касбий компитенцияларини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириб, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш-энг муҳим масалалардан биридир.

Мавзунинг мақсади: Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик позицияни шаклланишига таъсир этувчи омилларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бўлажак ўқитувчидаги педагогик касбига ва болаларга хурмат, муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, уларни севиш туйғусини ўстириш педагогика ўқув юртларининг муҳим вазифасидир. Педагогика ўқув юртлари бу соҳада катта имкониятларга ҳам эга[2]. Бўлажак ўқитувчиларни акмеологик позитцияларини шакллантириш албатта педагог ходимлардан катта маҳорат ва тажрибани талаб қиласди.

Акмеология-(грекча акте-чўққи, такомил, ниманингдир юқори босқичи, гуллаган давр маъноларини англатади) илму- фаннинг шундай янги тармоғики, у инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомили ҳамда ҳаёт-фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилятларнинг намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганади[3].

Позитция-(лотинча positio ҳолат, вазият)-бирор бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуқтаи назар; далил, воқеа, ҳодисанинг муайян баҳоси; шу баҳога мувофиқ амалга оширилган ҳатти-ҳаракат.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Олий таълим муассасаларида янги таълим стандартлари доирасида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш бугунги кунда ҳар-бир профессор-ўқитувчидан талабанинг иқтидори, ва ижодий салоҳиятини тўла намоён этиш ва тараққиётини таъминловчи ҳар бир омилнинг ўрнини кўрсата билишни тақазо этади. Бу янгича таълимдаги инноватцион

ёндашувлардан биридир. Ҳар бир талаба ўз шахсий акмесини аниқлаб олиши учун унда ўша танлаган ихтисослигига нисбатан кучли ундовчи мотивлар, ҳаётда эса мувофақиятларга эришиш мотиви ёки ютуқларга эришиш эҳтиёжи кучли ривожланган бўлиши лозим.

Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик позицияни шаклланишига таъсир этувчи

омиллар

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

(педагогик фаолиятнинг юқори даражаси бўлиб, у педагогнинг белгиланган вақт ичида оптималь натижаларга эриша олишида намоён бўлади

| Креативлик | Компітентлик | Рефлекция |
|--|--|---|
| (ингл.-ижодкор) Дарс жараёнига ижодий ёндашув | (ингл.-қобилят) юқори даражадаги касбий малака ва маҳорат. | (Тақрорлаш, акс эттириш, ўз ҳаракатлари ва ҳолатини иқтидорини намоён эта олиш ғояларни ишлаб чиқиш |

ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТ

(педагогнинг жамоада, турли вазиятларда ўзини тута билиши ва тўғри қарорлар қабул қила олиши)

| Ташқи қўриниш ва нутқ маданияти | Педагогик одоб | Биргаликдаги фаолият |
|--|--|--|
| (ўқитувчига хос кийиниши; мулоқотнинг ривожланганлиги) | (самиймийлик, адолатлийлик, ўзини ўзи бошқара олиши) | ўқитувчи ва талабалар хамкорликдаги) |

МУҲОКАМА

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги стратегик вазифаларнинг асосий йналиши мустақил фикр юрита оладиган, жамият ва шахс манфаатлари учун зарур бўладиган ривожланиш истиқболларини аниқ белгилайдиган мутахассислар тайёрлаш масалаларига қаратилганлиги билан тавсифланади. Бу эса педагог кадрлар тайёрлаш, модернизациялаш ва унинг инновацион педагогик асосларини ишлаб чиқиш, заруратини юзага келтиради. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик позитцияни шакллантириб боришининг асосий мазмуни- уларда касбий тайёргарликини шакллантириб борилишидир.

Касбий тайёргарлик – зарурый касбий билим, кўнумка ва малакаларни ўзлаштириш асосида юзага келувчи шахс ижтимоий компетентлигининг ўзига хос қўриниши сифатида изоҳланади. Касбий тайёргарлик ўз-ўзидан юзага келмай балки аниқ мақсадлар асосида режалаштирилган муайян босқичларни қамраб олади. Шахсда касбий тайёргарликнинг шаклланиши дастлаб касбга хос тасаввур, тушунчаларни таркиб топганлиги билан белгиланса, кейинчалик мутахассисликка оид билим, малака ва кўнуммаларнинг ўзлаштирилиши, касбий сифатларнинг қарор топиши ҳамда касбий мослашиш даражаси билан изоҳланади. Касбий тайёргарлик маҳсус назарий билим, амалий кўнумка ва малакалар, шунингдек, мънавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштириш асосида шахснинг касбий фаолиятни олиб боришга нисбатан физиологик, психологик ва жисмоний тайёргарлик даражаси билан ҳам боғлиқдир.

Дарҳақиқат, мазкур масалаларни ҳал этиш республикамиздаги мавжуд таълим тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш орқали юксак маънавиятли шахсни шакллантириш мақсадини назарда тутади. Шундай экан, баркамол шахсни тарбиялаш, уни мутахассис сифатида шакллантириш, жамиятда муносаб касбий-ижтимоий мавқега эга бўлишида олий таълими муассасаларининг ўрни катта. Олий таълим муассасаларининг педагог мутахассислар тайёрлаш тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида қуидаги педагогик психологик шарт-шароитларнинг таъминланиши бўлажак ўқитувчиларда акмеологик позитцияни шаклланиб боришига хизмат қилиши аниқланди:

- ахборотли-мазмунли шароит;
- технологик шароит;
- рефлексив шароит;
- ижтимоий мухит;

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни акмеологик позитцияларини шакллантириш орқали уларни ўқув жараёнидаги фаоллигини оширишда, танлаган касбига нисбатан масъулият ҳиссини уйғотишга, жамиядаги турли ислоҳотларга ўз муносабатини билдира олишига ва энг асосийси ўз тараққиёти босқичида маълум ютуқларни қўлга кирита олиш имкониятига эга бўлишига асос бўлади.

REFERENCES

1. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Тошкент-2019. 117-бет.
2. Малла Очилов. Муаллим қалб меъмори. Тошкент 2001-йил. 91-бет.
3. Васила Каримова. Психология. Тошкент 2002 йил 156-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси .2020 й.
5. Узлуксиз маънавий тарбия концепсияси Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг 1059-Қарори.31 декабр 2019 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг Таълим Тўғрисидаги Қонуни. (янги таҳрири)
7. Б.Х. Ходжаев. Умумий педагогика. Тошкент-2017 йил.